

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН АБОНЕНТЛИК ТЎЛОВИ БЎЛГАН ХАЛҚАРО ДЕБЕТ ТЎЛОВ КАРТАЛАРИНИ ОЧИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта “InFinBANK” АЖ томонидан жисмоний шахслар учун халқаро тўлов тизимлари негизидаги кирим банк карталарини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматларни тақдим этишга оид шартларни ўз ичига олади (кейинги ўринларда – Шартнома). Ушбу Оммавий офертада кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириши Мижознинг ушбу Оммавий офертада баён қилинган тартиб ва ҳажмдаги шартларда Шартнома тузишга розилигининг тасдиғидир. Қуйида баён қилинган Оммавий оферта матни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369- ва 370-моддаларига мувофиқ Шартнома тузиш тўғрисида барча жисмоний шахсларга қаратилган расмий оммавий таклиф саналади.

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Банк	“InFinBANK” АЖ Бош офиси ва унинг бўлинмалари (Амалиёт бошқармаси, филиаллар, банк хизматлари марказлари);
Мижоз/ Буюртмачи/ Фойдаланувчи	Банк картасини очиш ва унга хизмат кўрсатиш мақсадида офертани акцептлаган ва Банк филиали ёки банк хизматлари марказлари орқали, интернет тармоғидаги www.infinbank.com корпоратив сайти орқали ёки “InfinBANK” мобил иловаси орқали мурожаат қилган жисмоний шахс;
Масофавий банк хизматлари (МБХ)	Мижоз томонидан телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб узатиладиган электрон фармойишлар асосида тақдим этиладиган Банк хизматлари мажмуи;
“InfinBank” АЖ мобил иловаси	Мобил технологиялар негизида яратилган, банк операцияларини амалга ошириш, ҳисобварақларнинг ҳолати ҳақида маълумотларни ва бошқа ахборотни онлайн тартибида олиш учун мўлжалланган махсус дастурий таъминот. Фойдаланувчи илонадан уни мобил қурилмага мос келадиган расмий манбадан юклаб олганда фойдаланиши мумкин;
Банк картаси	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ушбу Шартнома талаблари асосида Банк томонидан Мижоз номига чиқарилган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз Мижозига Карта ҳисобварағидаги маблағлар доирасида операцияларни, шу жумладан карта ҳисобварағи орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш ҳамда ҳисобварақдан нақд пул маблағларини олиш имконини берадиган халқаро тўлов тизимлари негизидаги дебет тўлов картаси.
Қўшимча карта	Мижоз номига қўшимча расмийлаштирилган ва дастлаб чиқарилган банк картаси бириктирилган карта ҳисобварағидаги қолдиқ миқдорида операцияларни амалга ошириш имконини берадиган банк картаси;

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (ШТХ)	Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элга чиқиш учун биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикасининг янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, 16 ёшга тўлмаган фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлари ва ҳарбий муассасалари қўмондонлиги томонидан берилган ҳарбий хизматчиларнинг шахсий гувоҳномалари ёки ҳарбий билетлари (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно), чет эл фуқаросининг миллий паспорти (чет эл фуқаросининг тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга) ёки чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси/ID-картаси ёхуд дипломатик паспорт ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтганликни тасдиқловчи аккредитация картаси, фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси/ID-картаси;
Банк картасининг эгаси	Эмитент ёки банк карталарини тарқатувчи банк билан мижоз ўртасидаги шартномага асосан банк картасидан фойдаланувчи мижоз ёки мижоз томонидан вакил этиб тайинланган шахс;
Карта ҳисобварағи	Банк картаси орқали пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;
Транзакция (операция)	Товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, нақд пул маблағларини олиш ва банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган бошқа амалиётлар;
Абонентлик тўлови	Банкнинг маълум давр мобайнида банк картаси эгасига тегишли хизматларни кўрсатишга доимий “шайлик ҳолати” учун белгиланган миқдорда тўланадиган ҳақи. Абонентлик тўловининг миқдори банк Тарифларида кўрсатилади.
Ўзгармайдиган қолдиқ	Мижоз карта ҳисобварағидаги энг кам сумма бўлиб, у мавжуд бўлса, абонентлик тўлови ечиб олинмайди. Агар Мижоз карта ҳисобварағининг баланси исталган пайтда ўзгармайдиган қолдиқ учун белгиланган энг кам суммадан камайса, унда банк жорий календарь ойи учун абонентлик тўловини ечиб олади. Шу билан бирга, Мижоз ўзгармайдиган қолдиқ суммасидан ҳар доим фойдалана олади. Ўзгармайдиган қолдиқ суммаси суғурта депозити миқдорини ўз ичига олмайди. Ўзгармайдиган қолдиқ суммаси банк Тарифларида кўрсатилади.
Суғурта депозити	Махсус карта ҳисобварағидаги банк картаси эгаси ишлата олмайдиган, абонентлик тўловини ечиб олиш пайтида картанинг асосий баланс ҳисобварағида зарур сумма мавжуд бўлмаганда, абонентлик тўловини тўлаш

	учун, шунингдек, Карта ҳисобварағидаги салбий қолдиқни қоплаш учун мўлжалланган пул маблағлари суммаси;
ССК (савдо-сервис корхонаси)	Эквайер билан шартнома асосида банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар) савдо-сотиғини амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс ва (ёки) жисмоний шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс);
Ташкилот	Иш берувчи ва ходимнинг ҳисоб-китоблари доирасида банк хизматларини кўрсатиш бўйича банк билан шартнома тузган юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ташкилот (ваколатхоналар, филиаллар ва бошқалар) ёки яқка тартибдаги тадбиркор;
Эквайер	ССК билан тўлов операциялари бўйича ҳисоб-китобларни, шунингдек, Банк картаси эгасига ўз бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул беришни амалга оширувчи Банк;
Терминал	Банк картаси эгасига тўлов операцияларини амалга ошириш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича слипларни шакллантирувчи қурилма;
Банкомат	Банк картаси эгасига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибида нақд авансларни олишга имкон берадиган ва амалга оширилган операциялар бўйича слиплар шакллантирадиган қурилма;
Слип	Банк картаси орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи, операциянинг миқдори, тури, амалга оширилган санаси тўғрисидаги маълумотларни ва ушбу «слип»ни шакллантирган банк картаси, ҳамда терминал ёки банкоматни тўғри аниқлай билиш имкониятини берувчи ахборотни ўзида мужассамлаштирган терминал ёки банкомат квитанцияси;
Логин	Мижознинг тизимга кириш учун идентификатор сифатида фойдаланадиган мобил рақами;
Пароль	Мижоз томонидан ўрнатиладиган, у Тизимга кириш учун идентификатор сифатида фойдаланадиган белгиларнинг махфий кетма-кетлиги;
Картани блоклаш	Банк томонидан картанинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича чоралар қабул қилиниши (иккинчи ҳолатда картани хизмат кўрсатиш учун тақдим этилганда, уни олиб қўйиш назарда тутилади);
Картани блокдан чиқариш	Банк картанинг фаолиятини қайта тиклаш бўйича чоралар кўриши;
SMS-Код	Мижознинг уни Тизимларда рўйхатдан ўтказишга, банк картасини қўшишга ва ҳоказоларга розилигини билдириши учун бир марталик ўзгарувчан код. SMS-Код SMS-хабар кўринишида бўлиб, Мижоз

	операциясининг турига боғлиқ равишда, Мижознинг Банк картаси бириктирилган мобил телефони рақамига ёки Мижознинг Тизимда рўйхатдан ўтказилган мобил телефони рақамига юборилади;
CVV-2	Интернет орқали транзакцияларни амалга ошириш учун банк картасининг орқа томонига босилган уч хонали код;
3-D Secure	Интернет орқали операцияларни бажаришда банк картаси эгасининг мобил телефони рақамига ёки почтасига SMS-хабарда Банк томонидан операция жараёнида автоматик тарзда жўнатиладиган бир марталик ёки доимий паролни мажбурий тартибда киритиш йўли билан Банк картаси эгасини қўшимча равишда идентификациялаш;
ШИР-код	Банк картаси эгасининг шахсий идентификация рақами бўлиб, у карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини, ҳамда маблағларни бошқаришга банк картасининг эгаси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди.
Тўловни қайтариш	Банк картаси эгаси ўзининг банк картаси орқали сотиб олган товарлар ёки хизматлардан воз кечиши сабабли пул маблағларининг қайтарилиши бўлиб, бу ССК томонидан маъқулланади ва Банк ўрнатган тартибда амалга оширилади. Қайтарилган маблағлар Банк картаси эгасининг карта ҳисобварағига кирим қилинади. Қайтариш нақд шаклда амалга оширилиши мумкин эмас;
Ишончни йўқотиш	Тўлов тизимига кириш учун Паролдан ёки тасдиқлаш воситаларидан фақат улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс фойдаланаётганлигига нисбатан ишончнинг йўқолиши;
Холдирлаш	Ўтказилган транзакция натижасида банк картасидаги маблағларни транзакция суммасида ишга солмай тўхтатиб қўйиш. Холдирлаш ўзаро ҳисоб-китоблар санасигача амал қилади.
Банк йўриқномалари	Банк картасидан ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиб-таомилларини ва қоидаларини тавсифловчи ҳужжатлар бўлиб, Банк уларга мувофиқ равишда Банк картаси эгасига банк картасига хизмат кўрсатиш бўйича хизматларни тақдим этади. Банк йўриқномаларига риоя қилиш Банк картаси эгаси учун ҳам, Банк учун ҳам мажбурийдир. Банк йўриқномалари www.infinbank.com сайтида жойлаштирилади;
Шахсга доир маълумотлар	Банк картаси эгасига тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот;
Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш	Банк картаси эгасининг шахсга доир маълумотларини йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш,

	тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш;
Электрон хабарнома	Банк томонидан интернет ва/ёки мобил алоқа орқали мобил телефонларга (SMS, PUSH) ва/ёки Мижознинг электрон почтасига юбориладиган стандарт шаклдаги қисқа хабарлар;
Курьерлик хизмати	Мижозларга уларнинг талаблари асосида ёки буларсиз (Банк ташаббуси билан) банк карталарини етказиб беришни таъминловчи Банк куръери ва/ёки Банк билан шартномавий алоқада бўлган Курьерлик хизмати;
АБТ	Автоматлаштирилган банк тизими
Мобил телефон рақами	Мижоз томонидан банк карта ҳисоб рақамини очиш ва картани чиқариш/қайта чиқариш/ёпиш учун Аризасида (“Телефон рақами (sms-хабарнома) (тўлдирилиши шарт)” устунида) кўрсатилган, “Мижоз ҳақида маълумотлар” бўлимида кўрсатилган, Банк мижозларига оид маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган уяли алоқа телефони рақами. Ушбу Оммавий оферта доирасида Мижоз банк картасига уланган фақат битта мобил телефон рақамига эга бўлиши мумкин.
Карта токенидан фойдаланиш қоидалари	Карта токенидан фойдаланиш қоидаларини баён этувчи ҳужжат. Қоидалар ва жараёнларга риоя қилиш банк картаси эгаси учун мажбурий ҳисобланади. Қоидалар www.infinbank.com сайтида жойлаштирилган.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 2.1. Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Шартнома шартларига мувофиқ карта ҳисобварағи очилиши, банк карталари чиқарилиши, шунингдек, карта ҳисобварағига ва банк картасига хизмат кўрсатилиши Мижоз ушбу Офертада кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш орқали ушбу Офертага қўшилиш йўли билан тузадиган шартноманинг предмети бўлади. Ушбу Шартнома Банк томонидан чиқарилган банк картасидан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларни бажариш бўйича банк ва Банк картасининг эгаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.
- 2.2. Оферта шартларига қўшилиш мижоз банкка келган ҳолатида ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши (нусхаси олинадиган, асли қайтарилади) ҳамда ушбу шартномага 1-илова бўлган аризани имзолаш орқали банкнинг ушбу офертасини акцептлаши йўли билан ёки масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизими орқали талабнома тақдим этиши йўли билан амалга оширилади, бунда банкнинг масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали карталар чиқариш ҳақида талабномалар 16 ёшдан ошган шахслардан қабул қилинади.
- 2.3. Мижоз ушбу Шартномани акцептлаш билан унинг шартлари ва банк Тарифларига розилигини ҳамда улар ўзи учун мажбурий эканлигини эътироф қилишини тасдиқлайди.
- 2.4. Халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби талаблари Банкнинг расмий сайтида жойлаштирилган бўлиб, Мижоз ушбу талаблар билан танишганлигини ва уларга амал қилишини тасдиқлайди.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1. Банк жисмоний шахснинг банк картасини чиқариш тўғрисидаги аризаси асосида у ушбу Шартнома шартларига қўшилган (Офертани акцептлаган) кундан бошлаб навбатдаги иш кунидан кечиктирмасдан, жисмоний шахсга карта ҳисобварағини очадиган, банк картасини тайёрлайди ва уни Банк картаси эгасига топширади, бунда Банк картасининг эгаси Банкка ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

- 3.2. Банк картасининг амал қилиш муддати тўлов тизимининг оператори томонидан ўрнатилган тўлов тизими қоидалари билан белгиланади. Банк картаси куйидаги операциялар учун ишлатилади:
- 3.2.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида ССК билан товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар;
- 3.2.2. Эквайер бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул маблағларини олиш;
- 3.2.3. Visa Direct тизими бўйича ўрнатилган лимитлар миқдорида пул жўнатмаларини амалга ошириш;
- 3.2.4. Банк кассасига нақд пул маблағларини киритиш йўли билан ёки нақд пулсиз йўл билан карта ҳисобварағига пул маблағларини қўшиш;
- 3.2.5. Карта ҳисобварағи бўйича маълумот ахборотини олиш.
- 3.3. Банк банк картасини чиқариш, банк картасини қайта чиқариш ва карта ҳисобварағини очиш учун Банкнинг амалдаги Тарифларига қўра ҳақ олади.
- 3.4. Банк картасини ёпиш Банк картаси эгасининг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.
- 3.5. Банк йўқотилган (ўғирланган ва ҳ.к.) банк картасини Банк картасининг эгаси банк картаси йўқолганлиги (ўғирланганлиги ва ҳ.к.) ҳақида ариза берган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида алмаштиради.
- 3.6. Мижоз карточкаси ҳисобварағининг валютаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси, АҚШ доллари ёки карта маҳсулотига боғлиқ равишда бошқа валюта бўлиши мумкин.
- 3.7. Банк картасидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланилса, зарур бўлган тақдирда, бўлиб туриш мамлакатининг валютасига тўлов тизимлари томонидан белгиланган курс бўйича автоматик тарзда конвертация қилинади.
- 3.8. Банк карталарининг ҳар бир тури учун Банк амалдаги тарифларга мувофиқ суғурта депозити миқдорини белгилайди.
- 3.9. Банк томонидан суғурта депозити суммасини қайтариш банк картасини ёпиш ҳақида ариза берилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь куни тугаганидан сўнг амалга оширилади.
- 3.10. Транзакция амалга оширилган кундан бошлаб 30 календарь куни ичида Мижоз ёзма равишда транзакцияга эътироз билдирмаган бўлса, ҳар қандай транзакция Мижоз томонидан амалга оширилган ҳисобланади. Банк картаси орқали амалга ошириладиган транзакцияларга доир барча низолар “VISA”, “Union Pay International”, “Mastercard” халқаро тўлов тизимларининг Операция қоидаларига мувофиқ ҳал қилинади.
- 3.11. Банк картаси валютасидан бошқа валютада транзакцияларни амалга оширишда маблағларни холдирлаш транзакция ўтказилган санадаги курс бўйича амалга оширилади. Карта ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ўзаро ҳисоб-китоб санасидаги курс бўйича амалга оширилади. Ўзаро ҳисоб-китоб санасининг курси халқаро янгиликлар ва молиявий ахборот агентлигининг www.reuters.com сайтидаги курсдан кўп ёки кам томонга, лекин 4% дан (тўрт фоиздан) ортиқ бўлмаган миқдорга фарқ қилиши мумкин.
- 3.12. Карта ҳисобварағи очилгандан ва банк картаси чиқарилгандан сўнг, Банк Мижозга банк картасини у Банкка шахсан ташриф буюрганида ёки қонунчиликка мувофиқ равишда ваколатга эга вакил орқали топширади.
- 3.13. Банк Мижозга банк картасини Мижозни идентификация қилганидан сўнг топширади. Идентификациядан ўтиш учун Мижоз Банкка ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этади. Мижоз ушбу Шартноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги карта ҳисобварағини очиш ва банк картасини чиқариш/қайта чиқариш/ёпиш тўғрисидаги аризани имзолайди. Банк картаси Мижозга фақат у Аризадаги “Картани олдим” сатрида имзо чекканидан сўнг топширилиши мумкин.
- 3.14. Тегишли автоматлаштирилган жараёнлар мавжуд бўлган тақдирда, карта ҳисобварағи Мижоз томонидан масофавий тарзда, Банкка келмасдан очилиши мумкин. Карта ҳисобварағини масофавий тарзда очиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, банк карталарини чиқариш тартиби “InFinBank” АЖ жисмоний шахсларга масофавий банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги Оммавий офертага мувофиқ равишда белгилаб берилади. Мижоз банк картасини очиш учун талабномани банк мобил иловаси орқали топширганда ва картани

етказиб бериш опциясини танлаганда, Банк Мижозга банк картасини курьерлик хизмати орқали етказиб беради.

- 3.15. Банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар тўғрисида электрон хабарномани олиш учун Мижоз банк картасини олгандан сўнг, СМС-хабар хизматига уланиши керак.
- 3.16. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўшимча картани чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш борасида ушбу Шартнома шартлари қўлланилади.
- 3.17. Мижоз Банкнинг Алоқа Маркази хизматларидан фойдаланиши зарурати мақсадида, ахборот хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини талаб даражасида сақлаш учун телефон орқали суҳбатлар Банк томонидан қўшимча билдиришсиз ёзиб олиниши мумкин.
- 3.18. Ишончни йўқотиш ҳолатида Банк банк картасини блоклаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Банк картасини блокдан чиқариш аввал уни блоклашга олиб келган сабаблар бартараф этилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.
- 3.19. Банк картасини блоклаш Мижознинг ташаббуси билан – Алоқа маркази хизматидан фойдаланганда, Банкка ташриф буюрганда ёки МБХ тизимларидан фойдаланганда – амалга оширилиши мумкин.

4. РЎЙХАТДАН ЎТИШ ВА АКЦЕПТЛАШ ТАРТИБИ

- 4.1. Мижозни тизимларда рўйхатдан ўтказиш Банкнинг алоҳида ички меъёрий ҳужжати билан тартибга солинадиган тегишли дастурий хизмати мавжуд бўлган тақдирда, масофавий тарзда амалга оширилади.
- 4.2. Тегишли дастурий хизматлар мавжуд бўлган тақдирда, рўйхатдан ўтишни масофадан туриб, ушбу Оммавий офертани ва тизимда операцияларни ўтказиш қоидаларини акцептлагандан сўнг амалга ошириш мумкин. Мижоз томонидан бажариладиган ҳаракатлар, шунингдек, Банк тизимларида амалга ошириладиган тартиб-таомиллар тегишли тизимнинг фаолият юритиш шартларига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин, бу шартлар билан мижозлар фойдаланилаётган тизимда танишишлари керак.
- 4.3. Оммавий оферта Мижозга қоғоз шаклида тақдим этилиши мумкин, шунингдек, у билан Банкнинг корпоратив веб-сайтида ҳамда «InFinBANK» АЖнинг МБХ тизимларида танишиш таклиф қилиниши ҳам мумкин.
- 4.4. МБХ тизимларида Мижозни муваффақиятли рўйхатдан ўтказиш жараёнининг натижаси Мижоз томонидан логин ва паролнинг ўрнатилиши бўлади. Мижоз логин ва паролни сир сақлаши ҳамда уларнинг бошқа шахсларга ошкор бўлмаслигини таъминлаши шарт.
- 4.5. Шартнома Мижоз томонидан ушбу Шартноманинг 2.2-бандларида кўрсатилган ҳаракатлар бажарилган пайтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади. Шартномани тузиш Мижознинг ушбу Шартнома шартларини тўлиқ ўқиб чиққанлигини ва уларга розилигини англатади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. **Банк қўйидаги мажбуриятларни олади:**
 - 5.1.1. Мижоз Картани олиш усули этиб Етказиб беришни танлаган тақдирда, Банк картани ариза берилган дақиқадан бошлаб 3 иш куни ичида етказиб бериш, унга хизмат кўрсатишни таъминлаш, шунингдек, карта ҳисобварағига ушбу шартномада кўзда тутилган шартларда ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш мажбуриятини олади.
 - 5.1.2. Талаб даражасида расмийлаштирилган тўлов ҳужжатларини олган кундан бошлаб навбатдаги иш кунидан кечиктирмасдан, Банк картаси эгасининг фойдасига тушган пулларни карта ҳисобварағига киритиш.
 - 5.1.3. Мижоз МБХ тизимларидан фойдаланаётган тақдирда, Мижознинг ёзма аризасига кўра ёки Мижознинг Алоқа Марказига телефон орқали тегишли мурожаатига кўра банк картасини блоклаш.
 - 5.1.4. Банк картасининг эгаси банк картасининг йўқолиши (ўғирланиши, йўқотиб қўйиш, ишдан чиқиши ва ҳ.к.) тўғрисида ёзма ариза тақдим этгандан сўнг, банк картасини дарҳол блоклаш.

- 5.1.5. Мижознинг ёзма талабномасига кўра, Мижознинг Банкка ташриф буюриши шарт билан банк картасини блокдан чиқариш.
- 5.1.6. Агар банк картаси бўйича операцияларни Банк тўхтатиб қўйса (картадан фойдаланаётганда «ШИР-код» нотўғри терилиши натижасида блоклаш ҳоллари бундан мустасно), Банк операциялар тўхтатилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, Банк картаси эгасига унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва бунинг сабаблари тўғрисида хабарнома (билдиришнома) юбориши керак.
- 5.1.7. Банк картаси эгасининг карта ҳисобварағидан банк картаси бўйича амалга оширилган тўлов операцияларининг карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини камайтирувчи суммаларини, шунингдек, ШИР-код териш билан ёки бир марталик ўзгарувчан кодлардан фойдаланиш ёрдамида тасдиқланган мазкур тўлов операцияларини амалга ошириш учун Банкнинг воситачилик ҳақи миқдорини ҳисобдан чиқариш (операцияларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш шартлари “InFinBANK” АЖнинг жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида Оммавий офертасида кўрсатилган).
- 5.1.8. Банк картаси эгасининг аризаси асосида карта ҳисобварағидан кўчирмани Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ тақдим этиш.
- 5.1.9. Банк картаси эгасига банк картасидан фойдаланиш масалалари ҳамда Банк йўриқномалари ва тарифларида кўзда тутилган ҳисоб-китоблар технологияси бўйича маслаҳатлар бериш.
- 5.1.10. Ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда, банк картаси орқали илгари амалга оширилган тўлов операциялари бўйича барча ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда карта ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағлари қолдиғини Банк картаси эгасига қайтариш.
- 5.1.11. Карта ҳисобварағи бўйича операцияларнинг сир сақланишига риоя қилиш ва банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тақдим этиш.
- 5.2. Банк картасининг эгаси қуйидаги мажбуриятларни олади:**
- 5.2.1. Банк картасини олишда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этиш.
- 5.2.2. Банк картасидан ушбу Шартномага мувофиқ тарзда фойдаланиш.
- 5.2.3. Банк картасидан карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғи доирасида ва картанинг амал қилиш муддати давомида фойдаланиш ва у бўйича қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик. Карта ҳисобварағида салбий қолдиқ ҳосил бўлган тақдирда, қарзнинг бутун суммасини қарздорлик пайдо бўлган дақиқадан бошлаб бир ойдан кечиктирмай тўлаш, Банк томонидан алоҳида шартнома билан тартибга солинадиган овердрафт хизматларини кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно.
- 5.2.4. Банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган, ШИР-код териш билан ёки бир марталик ўзгарувчан кодлардан фойдаланиш ёрдамида тасдиқланган транзакциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш (операцияларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш шартлари “InFinBANK” АЖнинг жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида Оммавий офертасида кўрсатилган).
- 5.2.5. Банк талабига биноан Мижозни лозим даражада текшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни, шу жумладан Банк томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилаётган операция бўйича қўшимча маълумотларни тақдим этиш.
- 5.2.6. Банк картасидан мустақил равишда фойдаланиш ва уни учинчи шахсларга бермаслик, шунингдек, Банк картасининг сақланишини, телефон сўзлашувлари ва Тўлов тизимларига кириш учун паролларининг сир тутилишини таъминлаш (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).
- 5.2.7. Банк картасига доир барча маълумотларни ҳамда ШИР-код, CVV-2 ва ёки 3-D Secure кодини учинчи шахсларга бермаслик.
- 5.2.8. Карта ҳисобварағи бўйича ўзининг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширмаслик.
- 5.2.9. Банк хизматлари учун Тарифларга мувофиқ ҳақ тўлаш.
- 5.2.10. Банк картаси ёрдамида амалга оширилган барча тўлов операциялари учун Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ равишда воситачилик ҳақини тўлаш.

- 5.2.11. Банк картасининг эгаси томонидан ушбу Шартноманинг бузилиши билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш, шунингдек, ушбу Шартнома шартларига ва Банк йўриқномаларига риоя қилмаганлик натижасида Банкка етказилган зарарларни қоплаш.
- 5.2.12. Ўзининг карта ҳисобварағига бошқа шахсларнинг пул маблағлари келиб тушгани ҳақида карта ҳисобварағининг ҳолати ҳақида маълумотларни олган кунидан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Банкни хабардор қилиш ва карта ҳисобварағига адашиб киритилган пул маблағларини карта ҳисобварағининг ҳолати ҳақида маълумотларни олган кунидан бошлаб 1 (бир) банк куни ичида Банкка қайтариш.
- 5.2.13. Ўзининг карта ҳисобварағидан пул нотўғри ечиб олингани ҳақида карта ҳисобварағининг ҳолати ҳақида маълумотларни олган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Банкка нотўғри ечиб олинган пул маблағларини карта ҳисобварағига қайтариш учун хабар бериш. Тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилиги учун тўлиқ жавобгар бўлиш.
- 5.2.14. Банкнинг тўлов тизимлари ва учинчи томон тўлов ташкилотларининг Интернет тармоғидаги расмий саҳифаларида уланиш, киришга рухсат олиш ва техник хизмат кўрсатиш шартлари билан мустақил равишда танишиб чиқиш.
- 5.2.15. Ўз шахсий маълумотлари ишончни йўқотган ёки ишончни йўқотишига шубҳа туғилган тақдирда, Банкни дарҳол хабардор қилиш, умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали, шу жумладан Интернет орқали узатилган маълумотларнинг ишончни йўқотиши эҳтимоли билан боғлиқ хавфларни ўз зиммасига олиш.
- 5.2.16. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми, мобил телефон рақами, иш жойи телефон рақами, рўйхатда туриш манзили, шахсни тасдиқловчи ҳужжатининг реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бундай ўзгаришлар юз берган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида Банкни хабардор қилиш.
- 5.2.17. Банк картаси йўқолган, ўғирланган, тушиб қолган тақдирда, дарҳол Банкка 71 202-50-60 ёки 1214 рақамлари орқали хабар бериш. Оғзаки хабар берилгандан сўнг, Банк картасининг эгаси 24 соат ичида буни ёзма равишда тасдиқлаши шарт.
- 5.2.18. Аризада Банк картасининг эгаси ҳақида кўзда тутилган маълумотларнинг ўзгарганлиги тўғрисида Банкка 3 (уч) иш куни ичида ёзма равишда хабар бериш.
- 5.2.19. Банк картаси эгасининг айби билан ёки картани блоклаш билан боғлиқ равишда Банк томонидан қилинган ҳар қандай харажатларни писандасиз қоплаш.
- 5.2.20. Банк томонидан тегишли талабнома берилган кундан бошлаб бир кун ичида карта ҳисобварағига нотўғри кирим қилинган пулни Банкка қайтариш. Банкнинг талаби телефон орқали оғзаки равишда эълон қилиниши, кейинчалик ёзма шаклда расмийлаштирилиши ёки фақат ёзма равишда юборилиши мумкин.
- 5.2.21. Банк томонидан ўрнатилган ҳамда “VISA”, “Union Pay International”, “Mastercard”, “UZCARD”, “HUMO” халқаро тўлов тизимлари қоидаларига мувофиқ ўрнатилган банк картасидан фойдаланиш қоидалари ва тартибига риоя қилиш.
- 5.2.22. Мазкур Офертанинг 6.1.3-бандида кўзда тутилган ҳолатларда Банкнинг биринчи талабига биноан банк картасини Банкка тақдим этиш.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 6.1.1. Мижозни Банк Тарифларидаги барча ўзгаришлар ҳақида улар кучга киришидан камида 10 (ўн) календарь куни олдин ахборот стендларида ҳамда Банкнинг расмий сайтида эълонлар жойлаштириш йўли билан хабардор қилиш.
- 6.1.2. Банк Йўриқномаларига ўзгартиришлар киритиш.
- 6.1.3. Қуйидаги ҳолларда банк картасини олиб қўйиш:
- ушбу Шартнома бекор қилинганда;
 - банк картасидан бунга ваколати бўлмаган шахс фойдаланганда;
 - карта қайта чиқарилганда.
- 6.1.4. Банк картаси эгаси Ариза берилган кундан бошлаб 6 (олти) календарь ойдан ортиқ муддат ичида банк картасини олиш учун Банкка келмаган тақдирда, банк картасини бекор қилиш ва унга кўрсатилган хизматлар учун тўланган ҳақни Банк картаси эгасига қайтармаслик.
- 6.1.5. Қуйидагиларни Мижознинг розилигисиз карта ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш:

- банк картаси бўйича, шу жумладан Мижоз МБХ орқали электрон тўловларни амалга оширишида ўтказилган транзакцияларнинг суммаларини;
- Банк Тарифларига мувофиқ Банкнинг воситачилик ҳақини;
- карта ҳисобварағининг фаол қолдиғидан ташқари ўтказилган транзакциялар суммаларини;
- тегишли асос мавжуд бўлган тақдирда, карта ҳисобварағига нотўғри кирим қилинган пулларни;
- Мижознинг амал қилаётган бошқа, Мижоз ва Банк ўртасида мавжуд бўлган шартномавий муносабатлари натижасида юзага келган ва вужудга келган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўланмаган ҳар қандай қарздорликларини тўлаш учун етарли бўлган миқдордаги пул маблағларини.

Шу билан бирга, Мижознинг қарздорликларини карта ҳисобварағи валютасидан бошқа валютада тўлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бундай қарздорликни карта ҳисобварағидаги пул маблағлари ҳисобидан тўлаш пайтида амалда бўлган курсидан фойдаланилади.

6.1.6. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ:

- Мижозни тегишли даражада текшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни, шу жумладан Мижоз амалга ошираётган операциялар юзасидан қўшимча маълумотларни тақдим этишни Мижоздан талаб қилиш;
- Мижозни тегишли даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, карта ҳисобварағини очишни ва банк картасини чиқаришни ёки карта ҳисобварағи бўйича Мижознинг операциясини амалга оширишни рад этиш, ёхуд бир томонлама тартибда Шартномани бекор қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳолларда карта ҳисобварағи бўйича операция ўтказишни тўхтатиб туриш ва операцияда ишлатиладиган пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш;
- ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

6.1.7. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган транзакциялар бўйича Банк картаси эгаси томонидан улар амалга оширилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь куни ўтганидан сўнг тақдим этилган эътирозларни кўриб чиқиш учун қабул қилмаслик.

6.1.8. Ишлаб чиқариш зарурати туғилганда, Банк картаси эгасидан банк картасини тақдим этишни талаб қилиш ва Банк картаси эгасини банк картасини олиб қўйиш режалаштириладиган кундан камида 3 (уч) кун олдин огоҳлантирган ҳолда, ундан банк картасини олиб қўйиш;

6.1.9. Банк картасини қайта чиқариш учун ариза қабул қилинганда, Мижоздан банк картасини қайтаришни талаб қилиш (карта йўқолганлиги сабабли қайта чиқариш бундан мустасно);

6.1.10. Банк операцияларини амалга оширишга чекловлар белгилаш ва уларга ўзгартириш киритиш;

6.1.11. Банк картаси эгасидан Банкка барча қарздорлик суммаларини ҳамда ушбу Шартнома ва Банк Йўриқномаларининг бузилиши сабаб бўлган харажатларни тўлашни талаб қилиш.

6.1.12. Ушбу шартномани Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тартибини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари асосида бир томонлама бекор қилиш.

6.1.13. Норезидент мижоз томонидан ушбу Оферта талаблари бузилган тақдирда, Банк ушбу Офертани бир томонлама бекор қилиш ва Мижознинг банк картасини блоклаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида норезидент Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисобварақларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда, Банк бир томонлама ушбу Офертани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

- 6.1.14. Агар Мижоз ёки унинг операцияси санкция таъсири доирасига тушиб қолса ёки тушиш хавфи мавжуд бўлса, Банк Мижоздан операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча ахборотни сўраб олиш, операция суммасини чеклаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки у амалга ошираётган операция Мижознинг сўровномасидаги ихтисосига мос келмаган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва Мижоз билан ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.
- 6.1.15. Валюта карталаридан фойдаланиш жараёнини қулайлаштириш мақсадида ва карта рақами бўйича VISA тизими орқали пул ўтказмасини бошқа банк карталарига қабул қилиш хизмати уланмаган тақдирда, Мижознинг VISA картасига бепул хизматни Мижоз кўрсатган мобил телефон рақамига автоматик улаш.
- 6.1.16. Мижоз ушбу билан Банк тегишли маълумотларни Банк веб-сайтида камида 10 (ўн) календарь куни олдин жойлаштириш орқали Мижозни аввалдан хабардор қилган ҳолда, қуйидагиларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкинлигига розилик билдиради:
- Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Мижоз томонидан Банкка комиссия тўлаш ва мазкур шартнома бўйича банк хизматлари билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга оширишнинг миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш;
 - банк операциялари бўйича лимитлар ўрнатиш ва уларни ўзгартириш;
 - ушбу Офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
- 6.1.17. Чет эл валютасида чиқарилган, сўнгги 6 (олти) ой давомида ҳеч қанақа операциялар амалга оширилмаган банк карталари бўйича Банк, агар банк картасида пул маблағлари мавжуд бўлмаса, банк картасини бир томонлама тартибда ёпиш ҳуқуқига эга. Банк картасида суғурта депозити мавжуд бўлган тақдирда, Банк пул маблағларини Мижознинг ҳисоб-китоб рақамига жўнатади. Агар Мижознинг банк картасида пул маблағлари бор бўлса, Банк картани блоклаш ҳуқуқига эга. Банк картасининг эгасини Банк ихтиёрида мавжуд бўлган алоқа воситалари орқали хабардор қилиш мажбурийдир. Бунда банк картасини блокдан чиқариш Мижознинг мурожаати асосида амалга оширилади.
- 6.1.18. Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.
- 6.2. Банк картасининг эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 6.2.1. Карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини Банк кассасига нақд пул киритиш орқали, Банкнинг транзит ҳисобварағи орқали, банкомат орқали, шунингдек, Банкнинг мобил иловаси орқали тўлдириш.
- 6.2.2. Мижознинг аризаси асосида кейинчалик карта ҳисобварағини ёпиб, карта ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини Мижознинг кўрсатилган йўқлаб олинадиган депозит ҳисобварағига ўтказиб, банк картасидан фойдаланишни рад этиш.
- 6.2.3. Банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар ва карта ҳисобварағининг ҳолати тўғрисида қўчирма олиш. Бунинг учун Банк картасининг эгаси Банкка шахсан мурожаат қилиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим ёки транзакцияларга оид маълумотларни Алоқа Марказига мурожаат қилиш давомида телефон сўзлашуви учун тўғри паролни хабар қилиш шarti билан олиши мумкин.
- 6.2.4. Терминаллар ёки банкоматлар, шунингдек, МБХ тизими орқали ШИР-кодларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартириш.
- 6.2.5. Банк картасини блоклаш ёки блокдан чиқариш ҳақида Ариза билан Банкка мурожаат қилиш.
- 6.2.6. Карта йўқотилган/ўғирланган/тушиб қолган тақдирда картани қайта чиқаришни амалга ошириш.
- 6.2.7. Банк картасининг эгаси ССКдан амалга оширилган операциялар ҳақида маълумотлар олингунига қадар Банкдан тўловни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.
- 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**
- 7.1. Банк картасининг эгаси карта ҳисобварағи бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлиги ҳамда Банкка тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгардир.

- 7.2. Банк картасининг эгаси ноқонуний хатти-ҳаракатлари, шу жумладан карта ҳисобварағига нотўғри кириш қилинган пулларни қайтармаганлиги сабабли етказилган/юзага келган зарарларни қоплаш учун жавобгардир.
- 7.3. Банк картасининг эгаси Банк Мижознинг ёзма аризасини, МБХ тизими орқали банк картасини блоклаш ҳақида талабномасини ёки Алоқа Марказига Банк картасининг йўқолгани/ўғирлангани ҳақидаги ёхуд ўзининг карта ҳисобварағи бўйича шубҳали фаоллик ҳақидаги мурожаатини олгунига қадар юз берган ҳар қандай транзакциялар учун жавобгар бўлади.
- 7.4. Банк картасининг эгаси Банк тўлов тизимларидан ва учинчи томон тўлов ташкилотларидан фойдаланилган барча операциялар учун жавобгардир.
- 7.5. Банк картасининг эгаси банк картасининг ШИР-коддини, телефон сўзлашувлари учун паролни ва тўлов тизимларига кириш парол(лар)ини ҳамда 3-D Secure бўйича кодни учинчи шахсларга ўзи ошкор қилганлиги натижасида банк картаси бўйича амалга оширилган транзакциялар учун жавобгар бўлади.
- 7.6. Банк картасининг эгаси банк картаси бўйича Интернет орқали транзакциялар ўтказиш (Банк картаси эгасининг иштирокида ва/ёки унинг иштирокисиз) натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар учун тўлиқ жавобгар бўлади.
- 7.7. Банк картасининг эгаси банк картаси йўқотилган ёки ишдан чиққан пайтда у бўйича транзакциялар ўтказиш (Банк картаси эгасининг иштирокида ва/ёки унинг иштирокисиз) натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар учун тўлиқ жавобгар бўлади.
- 7.8. Банк картасининг эгаси карта, ШИР-код ва/ёки CVV-2 ўғирлангани/йўқолгани/тушиб қолгани ҳақида Банкни хабардор қилмаганлиги ёки ўз вақтида хабардор қилмаганлиги учун ҳам жавобгар бўлади.
- 7.9. Банк Мижознинг карта ҳисобварағидан нотўғри чиқим қилиш учун нотўғри чиқим қилинган пул миқдорида жавобгар бўлади (ҳақиқий зарар).
- 7.10. Банк картаси ҳисобварағининг Банк айби билан ўз вақтида очилмаганлиги, шунингдек, банк картаси ўз вақтида чиқарилмаганлиги учун жавобгардир, улар мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно;
- 7.11. Банк банк сирини ноқонуний ошкор қилганлик учун жавобгардир.
- 7.12. Банк куйидаги ҳолатлар учун жавобгарликдан озод қилинади:
- Мижознинг карта балансидаги маблағларни ўз вақтида акс эттирмаганлик ёки уларга кириш имкониятининг вақтинча мавжуд бўлмаганлиги, агар бунинг сабаби процессинг марказидаги техник носозликлар ёки процессинг маркази фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўлса;
 - учинчи тарафнинг банк картасига хизмат кўрсатишдан бош тортиши;
 - банк картаси орқали сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати;
 - “UZCARD”, “HUMO” ва/ёки МУНИС тўлов тизимларидаги бошқа иштирокчи-банкларнинг, бошқа тўлов тизимларининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги ва бунинг натижасида Мижоз “UZCARD”, “HUMO” ва/ёки МУНИС ёки бошқа тўлов тизимларидаги бошқа иштирокчи-банкларнинг, бошқа тўлов тизимларининг хизмат кўрсатиш тармоғида банк картаси билан операцияларни амалга оширишда маънавий ва/ёки мулкӣ зарар кўриши;
 - хизмат турларининг, мумкин бўлган операциялар тўпламининг, Банк карталарига хизмат кўрсатиш муддатлари ва технологик шартларининг вақтинча қисқариши/ёмонлашиши/ўзгариши, агар бунга Банк ва “UZCARD”, “HUMO” ва/ёки МУНИС ҳамда бошқа тўлов тизимларининг бошқа иштирокчи-банклари усқуналари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими версияларининг ўзгариши сабаб бўлган бўлса;
 - Банк картаси билан амалга ошириладиган операциялар бўйича учинчи шахс томонидан ўрнатилган ва Мижознинг манфаатларига таъсир этиши мумкин бўлган лимитлар, чекловлар ва қўшимча ҳақ тўловлари;
 - йўқолган/ўғирланган банк картасини блоклаш тўғрисида ўз вақтида ёзма равишда Банкка хабар бермаслик оқибатлари, шу жумладан мижоздан банк картаси ўғирланганлиги ва/ёки йўқолганлиги тўғрисида ёзма хабар олингунга қадар ёки Мижоз Алоқа марказига

муружаатидан сўнг банк картаси блоклангунга қадар учинчи шахслар томонидан банк картаси бўйича амалга оширилган операциялар учун;

- Мижоз банк картасининг ШИР-кодини, СМС-паролларини, телефон сўзлашуви учун паролни, Тўлов тизимларига кириш парол(лар)ини ва 3-D Secure бўйича кодини учинчи шахсларга ошкор қилиши натижасида банк картаси орқали учинчи шахслар томонидан амалга оширилган транзакциялар учун;
- ШИР-коднинг кетма-кет уч марта нотўғри терилиши туфайли банк картасининг блоккланиши;
- тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ операцияларнинг тўхтатиб турилиши ва амалиётда фойдаланиладиган маблағларнинг ишга солмай тўхтатиб қўйилиши;
- банк операцияларини амалга ошириш ва Мижозни лозим даражада текшириш учун Банк томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг Мижоз томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки тақдим этилмаганлиги, ёки тақдим этилган ҳужжатларда йўл қўйилган ноаниқликлар ва хатолар учун;
- Банк ўз мажбуриятларини Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда бажара олмаслиги;
- тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда банк картаси ҳисобварағини очишни ва банк картасини чиқаришни, шунингдек, банк ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга оширишни рад этиш;
- учинчи томон тўлов ташкилотларининг тўлов тизимларидан фойдаланишда мижознинг ўз вақтида бўлмаган ёки нотўғри ҳаракатлари;
- Интернет тармоғи орқали банк картаси бўйича ўтказилган транзакциялар;
- ШИР-кодни киритиш билан амалга ошириладиган барча транзакциялар;
- Мижоз ва учинчи шахслар ўртасида низоли вазиятлар юзага келганда, бундай ҳолатлар Мижознинг ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги туфайли юзага келган бўлса, шунингдек, Банкнинг назорат доирасидан ташқарида бўлган барча ҳолатларда;
- “VISA”, “Union Pay International” халқаро тўлов тизимлари ва бошқа тўлов тизимларининг Операция қоидаларига мувофиқ низо Мижознинг фойдасига ҳал қилинмаган бўлса, Мижоз эътироз билдирган транзакция бўйича кўрилган зарар учун;
- агар мижоз ушбу Шартнома шартларини ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида бузган ёки уларнинг бузилишига кўмаклашган бўлса.

7.13. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.14. Ушбу Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик унинг бекор қилинишига асос бўлади, бекор қилиниш вақти эса томонлар ўртасида алоҳида тартибда муҳокама қилинади.

7.15. Агар томонлардан бири ушбу Шартномани бажариш давомида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузса, иккинчи томон бунинг учун жавобгар бўлмайди.

8. КОНФИДЕНЦИАЛЛИК

8.1. Банк картасининг эгаси, худди Банк каби, Шартнома бўйича ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлаш учун жавобгардир.

8.2. Банк ва Банк картасининг эгаси томонидан бир-бирига тақдим этиладиган, Шартнома предметида боғлиқ бўлган ахборот конфиденциал ҳисобланади. Томонлар қабул қилинадиган ахборотнинг учинчи шахсларга ошкор бўлишига йўл қўймаслик учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.

- 8.3. Банк картасининг эгаси, худди Банк каби, банк сири ва ушбу Шартномага оид маълумотларнинг сақланиши учун жавобгардир.

9. ФОРС-МАЖОР

- 9.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар, агар бу бажармаганлик давлат бошқаруви ва назорат органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чекловчи ва таъқиқловчи хусусиятдаги ҳужжатлар/чоралар қабул қилиниши ёки бартараф қилиб бўлмайдиган кучга эга вазиятлар оқибати бўлган бўлса, бундай вазиятларга қуйидагилар киради: уруш, зилзила, ёнғин, иш ташлаш ёки бошқа офатлар (уларнинг айбисиз юзага келган, лекин улар ўз мажбуриятларини бажаришларига таъсир қиладиган техниканинг ишламай қолиши, дастурий таъминотдаги адашиш, электр таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимларидаги бузилишлар) ҳамда уларга томонлар таъсир қила олмайдиган ва уларнинг юзага келиши учун жавобгар эмас бўлса, шунингдек, агар бу ҳолат ваколатли давлат органлари томонидан ҳужжатлаштирилган тартибда тасдиқланган бўлса. Томонлар бундай фавқулодда вазиятларнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабар беришлари шарт.
- 9.2. Форс-мажор ҳолати юзага келганлиги тўғрисида Томонлар бир-бирларини улар пайдо бўлган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида хабардор қилишлари шарт.
- 9.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган муддатга кўчирилади.
- 9.4. Фавқулодда ҳолатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан тасдиқланса, улар форс-мажор ҳолатлари деб ҳисобланади.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 10.1. Томонлар ушбу Шартномани бажаришлари жараёнида юзага келадиган барча низоларни Томонлар ўзаро мақбул ечимга келиш мақсадида дастлабки тартибда музокаралар йўли билан кўриб чиқадиладар.
- 10.2. Агар Томонлар келишувга эришмаса, улар ўртасидаги низо Банк танловига кўра ҳал қилинади:
- ёки Банк (Амалиёт бошқармаси, филиал, банк хизматлари маркази, банк картаси очилган жойга боғлиқ равишда) жойлашган жой бўйича судда;
 - ёки ҳакамлик судида: Ўзбекистон Республикаси ССП ёки Ўзбекистон Республикаси ССП Тошкент шаҳар бошқармаси қошида.

11. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

11. Ушбу Офертанинг янги таҳрири, банкнинг янги Тарифлари, банк операциялари бўйича янги лимитлар уларни Банк веб-сайтига камида 10 (ўн) календарь куни олдин жойлаштириш йўли билан Мижозни хабардор қилган ҳолда амалга киритилиши мумкин.

12. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 12.1. Ушбу Шартнома Мижоз томонидан акцептланган кундан бошлаб кучга киради ва муддатсиз хусусиятга эга.
- 12.2. Томонлар аввал имзолаган, банк карталарига хизмат кўрсатишга оид бўлган барча шартномалар, келишувлар ушбу Шартнома тузилган дақиқадан бошлаб қонуний кучга эга бўлмайди.
- 12.3. Банк картасининг эгаси ушбу Шартномани бекор қилиш санасидан камида 30 (ўттиз) календарь куни олдин Банкка тегишли ёзма хабарнома юбориш орқали ушбу Шартномани бир томонлама, қуйидаги шартлар асосида бекор қилишга ҳақлидир:
- 12.3.1. Банк картасининг эгаси барча мажбуриятларини бажарган ва ушбу Шартнома бўйича Банк олдида қарздорликка эга эмас.
- 12.4. Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ушбу Шартномани бекор қилишга ҳақли.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 13.1. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Банк ўз фаолиятини амалга ошириши, Банкнинг ушбу Шартнома шартларини бажариши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадлар учун Банк картасининг эгаси Банкка ўзининг шахсга доир ҳар қандай маълумотларини қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан муддатсиз розилигини беради.
- 13.2. Ушбу билан Банк картасининг эгаси Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини барча алоқа воситаларидан, шу жумладан почта тарқатмаси, СМС-тарқатма, овозли тарқатма, электрон хатлар тарқатмаси ва ҳоказолардан фойдаланган ҳолда, лекин булар билан чекланмаган ҳолда тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш йўли билан олишга ўз розилигини билдиради.
- 13.3. Банк томонидан Мижозга Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ равишда жўнатиладиган барча билдиришлар ва хабарномалар Банкнинг танловига кўра қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:
- ёзма шаклда, агар улар Мижоз манзилига буюртма хат билан жўнатиш билан қабул қилинганини тасдиқлаган ҳолда шахсан етказилган бўлса;
 - электрон хабарнома шаклида.
- 13.4. Ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда, банк картасини чиқариш учун тўлов, транзакцияларга ишлов бериш бўйича воситачилик ҳақи ва Банк тарифларига мувофиқ бошқа тўловлар Банк картасининг эгасига қайтарилмайди.
- 13.5. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

14. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“InFinBANK” АЖ

СТИР: 206942764, МФО:01041, ИФУТ: 64190

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй

Тел.: 71 202-50-60, қисқа рақам: 1214

Факс: 71 202-50-70